



e-mail: xxi_asr@gmail.uz



19-NOYABR
2020-YIL
44 (886)

web sayt: www.21asr.uz
@XXIasrofficial



Бу хайрли ташаббус ўз-ўзидан ўртага ташланмади, албатта. Негаки, бутун дунё аҳли қарийб бир йилки, пандемия шароитида яшаб, ҳам моддий, ҳам маънавий қийинчиликларни бошдан кечирди. Ҳатто, манаман деган ривожланган давлатлар ҳам оғир иқтисодий бўҳрон қаршида ожиз қолганига гувоҳимиз. Шу маънода Ўзбекистонда ҳам бу кутилмаган офат энди бошланган баҳор ойларидеяк Президентимиз ташаббуси билан пандемияга қарши белгилаб берилган изчил чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Айниқса, карантин даврида ҳукуматимиз

томонидан эҳтиёжманд оилалар, жумладан, кексалар, ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган амалий ишлардан халқимизнинг кўпчилиқ қатламлари миннатдор бўлди, десак муболага қилмаймиз. Бу борада O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан бир қатор ҳаётий лойиҳалар ишлаб чиқилди ва электротар вакиллари, маслакдошлар, фаоллар ўртасида атрофича муҳокама қилиниб, имкони борича пандемия туфайли ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан

қийналган юртдошларимизни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакат сиёсий саҳнасида қисқа муддат орасида ўз ўрни ва нуфузига эга бўла олган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топганига роппа-роса 17 йил тўлди. Шу муносабат билан “O'zLiDeP 17 йил: 17 минг оилага меҳр-саховат” лойиҳаси доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида хайрия акциялари бошланиб кетди.



УШБУ СОНДА

Давлат бюджети маблағлари

қандай мақсадларга сарфланди? **2**

Оддий томорқачиникида...

нега семинар ўтказилди? **5**

Депутатни телевизорда эмас,

одамлар орасида кўпроқ кўрайлик! **6**

Ғишт заводлари

қонундан ташқарида эмас! **8**

Қиш билан бирга

ташвиш ҳам эгизак келади **9**

Келинойими,

янгами ё чеча? **11**

“СОТКА” ДАН

туғилган болалар **12**

Учинчи Ренессанс пойдевори

мустаҳкам бўлиши ҳаммамиз ва ҳар биримизга боғлиқ

Тарихдан маълумки, халқимиз икки Ренессансни бошидан кечирган. Уйғониш давларида буюк аждодларимиз Шарқ дунё цивилизацияси бешиги эканлигини амалда намоён этган.

Биринчи Ренессанс тахминан X – XII асрларда илм-фанда инқилоб яратган бобоқлонларимиз – Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Бухорий, Термизий, Мотурудий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Абул Муин Насафий яшаб ўтган даврларга тўғри келади. Иккинчи Ренессанс эса XIV – XVI асрларда яшаб ўтган Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Лутфий, Жомий, Навоий, Бехзод

фаолияти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳар иккала Уйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат – давлат раҳбарларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга алоҳида эътибор қаратиши бўлган. Маъмур академиясининг барпо этилишида хоразмшоҳ Маъмунийлар сулоласининг, Иккинчи Уйғониш даври вужудга келишида эса буюк бобомиз Амир Темури ва темурийлар сулоласининг ҳиссаси бекиёс. Ҳар икки сулола ҳукмдорлари ўз даврининг ёрқин истеъдодлари, олимларига ҳомийлик қилиб, қўллаб-қувватлагани туфайли барча жабҳаларда шиддатли ривожланиш юз берган.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда давлатимиз раҳбари айнан биз ёшларга жуда катта ишонч билан

қарамоқдалар. “...Илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса – яратамиз”, деди Президентимиз ўтган ойда бўлиб ўтган, Уқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида. Биз – ёшлар давлат раҳбарининг ушбу даъватига муносиб жавоб қайтаришимиз, мамлакатимизнинг эртанги куни учун масъул эканлигимизни бир сония бўлса-да, унутмаслигимиз лозим. Рақамли технологиялар жадал ривожланыпти. Бугун замонавий технологиялар кирмаган соҳа қолмади ҳисоб. Лекин ушбу технологиялар ўз-ўзидан самара бермайди. Улар ақл билан ҳаракатга келтирилсагина фойда келтиради.



Рақамли технологиялар тилини топиш учун эса йигит-қизлар пухта билим, сайқалланган истеъдод соҳиблари бўлмоғи даркор. Ишонч билан айта оламаники, биз юксак марраларни эгаллашга қодиримиз. Чунки илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, замонавий қилиб айтганда, генимизда бор.

Отабек СОБИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзоси,
O'zLiDeP фаоли

2020 йилнинг 9 ойи якунига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми жорий нархларда 408,3 трлн. сўмни ташкил этгани ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга ўсган. Ўтган йилнинг мос даври билан таққосланганда ЯИМ тармоқлар таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги ҳамда қурилиш улуши мос равишда 0,8 ва 0,5 фоизга ошган. Хизматлар ва саноат соҳалари эса мос равишда 0,2 ва 0,7 фоизга пасайган.

млрд. АҚШ доллари эквивалентини, хусусан, давлат ташқи қарзи 18,2 млрд. АҚШ долларини, давлат ички қарзи эса 2,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Давлат ташқи қарзи асосан ёқилғи-энергетика, уй-жай қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатиш, бюджетни

Мамлакатлараро ишбилармон доиралар ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурини қабул қилиш таклифи келгусида самарали натижаларга замин бўлади.

Ностандарт ёндашувлар зарурати

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгазининг видеоанжуман шаклидаги мажлисида сўзлаган нутқида билдирган таклифлар ниҳоятда долзарблиги халқаро миқёсдаги нуфузли экспертлар томонидан ҳам муносиб эътироф этилаётди.

Онлайн йиғилиш кун тартибидан янги глобал хатар ва таҳдидларнинг кучайиши шароитида ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалари ўрин олганини алоҳида қайд этиш зарур. Мажлис аввалида мазкур ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегацияларининг раҳбарлари устувор йўналишларда кўп томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиб, янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилганлари, шунингдек, минтақага молик масалалар юзасидан фикр алмашганлари келгуси ҳамкорликда истиқболли имкониятлар яратди.

Ўртбосхимиз ШХТ тараққиётнинг принципиал жиҳатдан янги босқичида турганини алоҳида таъкидлади. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг кескин қисқариши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиши, ишсизликнинг ортишига олиб келган пандемия ривожланиш суръатларига салбий таъсир кўрсатаётди. Бу бутун дунёда содир бўлаётган салбий ҳолат.

Жаҳоннинг айрим минтақаларида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашяпти, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар кучаймоқда. Айни муаммоларга қарши туришда яхши кўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни мустаҳкамлаш оқилона ечимдир. Бунинг учун, Президентимиз таъкидлаганидек, бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, кун тартибидagi асосий масалаларга биргаликда ечим излашимиз, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, аҳилликни мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этаркан, бу борада қатор таклифларни



Абдулла РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

ҳам илгари сурди. Масалан, пандемия шароитида савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларимизни ривожлантиришга янги, шу жумладан, ностандарт ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш таклиф қилинган замирида ушбу йўналишдаги ютуқларни мамлакатларга жадаллик билан олиб кириш, халқларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадлари мужассам.

Ўзбекистоннинг мамлакатлараро ишбилармон доиралар ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурини қабул қилиш тарафдори бўлиб майдонга чиқиши ҳам мажлисининг диққат марказида тургани муболаға эмас. Бугунги пандемия шароити тиббиёт соҳасида халқаро тажрибаларни янада оммалаштиришни тақозо этмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон томонидан соҳага ихтисослашган шифоналар ўртасида натижадор ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Эпидемияга олиб келувчи касалликларга қарши кураш бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратиш таклифи берилди. Қизгин қўллаб-қувватланган таклиф мазкур тармоқ доирасида юқумли касалликларни диагностика, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тажриба алмашини, врачлар қўшма гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни тайёрлашга қаратилган ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга кўмалашади.



Давлат бюджети маблағлари қандай мақсадларга сарфланди?

Жорий йилнинг январь – сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга ўсиб, бу қишлоқ ҳўжалигининг 3,4, қурилиш ишларининг 8,6 фоизга ўсиши ҳисобига эришилган. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2,3 фоизга ўсгани ҳолда умумий саноат ишлаб чиқариш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 фоизга камайган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида бу ҳақда маълум қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу йилнинг 9 ойлик давлат бюджети даромадлари 94 457,2 млрд. сўмни ташкил этган. Белгиланган 91 795,9 млрд. сўм прогноз 102,9 фоизга ёки 2 661 млрд. сўмга ошириб бажарилган. Даромадлар ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 15 297,4 млрд. сўмга ўсган.

Давлат бюджетининг жорий йил 9 ойлик харажатлари (давлат мақсадили жамғармаларисиз) 102 164,8 млрд. сўмни (аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 94,5 фоиз) ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,0 фоизни ташкил этган. Бюджет ташкилотларининг қарийб 33,6 трлн. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда 7,1 трлн. сўмлик иш ҳақиға нисбатан ажратмалари ўз муддатларида тўлиқ молиялаштирилиши таъминланган.

Хисобот даврида иқтисодиётга амалга оширилган харажатлар қайд этилган вақтда

12 593,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу харажатлар жами давлат бюджети 9 ойлик харажатларининг 12,3 фоизини ташкил этди. Иқтисодиёт харажатлари асосан сув ҳўжалиги эксплуатациясиға, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашға, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга оширишға, табиатни муҳофаза қилиш ишларига, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ривожлантиришға сарфланди. Шунингдек, кичик саноат зоналарининг 600 та муҳандислик инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун 300 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан Бухоро, Жиззах, Намангандаги мавжуд ва янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналаридаги 102 та муҳандислик коммуникация объектлари бўйича 23,3 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига давлат бюджети тақчиллиги 7 707,6 млрд. сўмни ташкил этиб, бу халқаро молия институтларидан бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинган (4 106,4 млрд. сўм) ҳамда давлат газначилик obligationларини жойлаштирилишидан келиб тушган маблағлар (3 605,5 млрд. сўм) ҳисобига қопланди.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан ва унинг қафолати остида жалб қилинган қарз қолдиғи 20,5

қўллаб-қувватлаш, транспорт ва транспорт инфратузилмаси, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш, кимё саноати ва телекоммуникация каби ижтимоий ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳалардаги лойиҳаларни молиялаштиришға йўналтирилган. Шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришға 1 трлн. 211 млрд. сўм, корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашға 2 трлн. 240 млрд. сўм ажратилган.

Хисобот даврида маҳаллий бюджетлар даромадлари 19 973 млрд. сўмни ташкил қилиб, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида прогноздан ташқари 2191,5 млрд. сўм, жумладан, биринчи чорақда 837,1, иккинчи чорақда 727,6 ва учинчи чорақда 626,8 млрд. сўм маблағ қолган. Ўз навбатида, республикага тушадиган солиқлар бўйича прогноздан ортиқча туширилган 427,5 млрд. сўм маҳаллий бюджетларға ўтказиб берилган. Умуман, маҳаллий бюджетларнинг харажатлари режаға нисбатан 96,3 фоизга ижро этилиб, 33 255,2 млрд. сўмни ташкил этган.

Муҳокамаларда депутатлар томонидан бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва жойларда қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилиб, қўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" муҳбири

“O‘zLiDeP 17 йил: 17 минг оилага меҳр-саховат”

АНДИЖОН

Марҳамат туман Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлари партия ташкил топганининг 17 йиллиги муносабати билан аҳолига меҳр-саховат кўмагини кўрсатишга бел болаган. Маҳаллий кенгаш депутатлари Ҳафизахон Мамаризаева, Муроджон Сулаймонов, Бахтиёржон Абдуллаев ҳудудларда бўлиб, аҳолини қийнаётган масалаларнинг имкон қадар ҳал этилишига ёрдамлашди.

Бахтиёр Ўринбоев ўқчи маҳалласида истиқомат қилади. Мавсумий ишлар билан банд. Кам таъминланган оилалар рўйхатида туради. Топгани рўзгор тебратишу фарзандлари таъминотидан ортмайди. Қишнинг изғирини эшик қоққач, иссиқлик манбаларига эҳтиёж туғилди. Аммо кўмир сотиб олгани кўли калталиқ қилади. Де-



путатларнинг кўмаги билан шу куннинг ўзидаёқ мушқули осон бўлди.

Марҳамат – Кува йўналишидаги Ипак йўли кўчасида, туман тез ёрдам бўлими биноси ёнида сув тошаётганига анча бўлди. Лекин бу кўнгилсиз ҳолат ҳеч бир мутасаддининг эътиборини тортмади. Ниҳоят мазкур ҳудуддаги ўрганишлар жараёнида депутатлар бепарво ўтиб кетишмади. Йўл чеккасидаги чиқинди уюмлари кўнгилни хира қилгани ортиқча. Ушбу муаммолар юзасидан мутасаддилар чақиртирилиб, масалага ижобий ечим топилди.

Марҳаматлик депутатларнинг амалий кўмаги туфайли шунга ўхшаш қатор муаммолар бартараф этилмоқда.

Одинахон ТУРҲУНОВА,
O‘zLiDeP Андижон
вилояти Кенгашининг депутатлар
билан ишлаш бўлими мудир

ФАРҒОНА



– O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ташаббуси билан бошланган ушбу хайрли лойиҳадан кўзланган асосий мақсад коронавирус пандемияси даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларга кўмак кўрсатишдан иборатдир, – дейди партиянинг Фарғона вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Фарғона вилояти Кенгаши депутати Нафисахон Элчиева.

– Албатта, мазкур лойиҳани фарғоналик партиядошларимиз ҳам қўллаб-қувватлашяпти. Депутатлар, тадбиркорлар ўз ҳудудларидаги оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдамларини улашмоқдалар.

Лойиҳа доирасида Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик

гуруҳи аъзоси Асроржон Қодиров Фарғона шаҳридаги Жўйдам ва Совурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшовчи бир гуруҳ эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олди.

Шоҳсултон
ТЎХТАМАТОВ,
O‘zLiDeP Фарғона
вилояти Кенгаши
матбуот котиби

НАМАНҒАН

Наманган шаҳридаги маданият саройида O‘zLiDePнинг 17 йиллик тантаналари “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш!” шиори остидаги маънавий-маърифий тадбир билан Ҳамоҳанг тарзда ташкил этилди.

Партиянинг шаҳар Кенгаши раиси Бахтиёр Воҳидов барча маслақдошларимизни ушбу кутлуғ кун билан кутлаб, айна пайтгача эришилган ютуқларга

маҳлиё бўлиб қолмасдан, барчани келгусида ҳам ғайрат ва шижоат билан партия нуфузини янада кучайтиришга чорлади.

Тадбир давомида партия сафига янги қўшилган хайрихоҳларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида фидокорона меҳнат қилган депутатлар, фаоллар ва ёшларга эсдалик совғалари топширилди.

– Шу кунларда ҳудудларда ўтказилган O‘zLiDeP 17 йил: 17 минг оилага саховат ва кўмак” лойиҳаси доирасида олиб борилаётган хайрия ишлари қанчадан-қанча кўнгилларни шод этиб,

эзгулик улашаётгани бизни ҳам гоят руҳлантириб юборди.

Ушбу савобли амалларимиз давлатимиз раҳбарининг ҳар доим такрор ва такрор одамларни рози қилинлар, ана шунда-

гина халқимиз биздан ҳам рози бўлади, деган ҳикматли даъватларига ўзига хос жавобимиздир. Шу кунларда вилоятимизнинг барча туман ва қишлоқларида бу ташаббусни қўллаб-қувватлаётган

депутатларимиз, фаолларимиз, тадбиркорлар ўзлари яшаётган ҳудудлардаги эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олишяпти, қўлларидан келгунича моддий кўмак беришяпти.

ЖИЗЗАХ

Айни кунларда бутун республикаимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам партия маҳаллий кенгашлари фаоллари, депутат ва тадбиркорлар “O‘zLiDeP 17 йил: 17 минг оилага меҳр-саховат” акцияси доирасида кам таъминланган, муҳтож оилаларга хайрия ёрдамлари кўрсатишмоқда.

Зомин тумани Кенгаши депутати Беҳзод Шукуров ташаббуси билан “Тўрттом” МФИ-да яшовчи, муқим даромад манбаига эга бўлмаган Азамат Фармонов оиласига бир бош қорамол олиб берилиб, ҳомийлар ва туқилишди.

– Беминнат ёрдам учун депутатларимиздан миннатдоримиз, – дейди Озода Қосимова. – Айниқса, ўқув қуроллари ва бадий китоблардан болаларимизнинг боши осмонга етди.



маннинг фаол ёшлари ёрдамида оғилхона ҳам қуриб берилди.

Мирзачўл туманида эса вилоят Кенгаши депутати Сирож Назаров бошчилигидаги фаоллар 22 та хонадон аҳолидан хабар олиб, озиқ-овқат маҳсулотларини топширдилар.

Ана шундай саховат ва кўмак тадбири Жиззах шаҳрида ҳам ташкил этилди.

Маҳаллий кенгаш депутatlари А.Хўжаков, Ш.Буstonов, М.Абду-сатторова ташаббуси билан шаҳардаги 35 та камбағал оилага озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга уларнинг мактабда ўқиётган фарзандларига ўқув қуроллари ҳам совға

Дўстлик туманидаги 30 та кам таъминланган оилага кириб борган фаоллар гуруҳига маҳаллий кенгаш депутати Шоҳрух Танжариков бош бўлди. Акция давомида озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш билан чекланиб қолгани йўқ, бир қанча муаммоли масалалар юзасидан мурожаатлар ҳам ижобий ҳал қилинди.

O‘zLiDeP ташкил этилганининг 17 йиллиги муносабати билан уюштирилаётган бу каби хайрия тадбирлари бошқа ҳудудларда ҳам давом этмоқда.

Баҳром
МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” муҳбири



Алишер РЎЗИЕВ,
Сурхондарё
вилояти Кенгаши раиси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мулкдорлар ўрта синфи, тадбиркорлар, фермерлар, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари манфаатини ифодаловчи сиёсий куч сифатида 2003 йили майдонга чиққан эди. “Умр йиллар билан эмас, қилинган хайрли амаллар билан ўлчанади”, деган ҳикмат бор халқимизда. Гарчи бу фикрда инсон умри назарда тутилган бўлса-да, уни юксак мақсадлар йўлида юз минглаб юртдошларимиз бошини қовуштирган етакчи сиёсий кучга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.



лик янада кенг қулоч ёйиши учун шарт-шароит яратиш, хусусий сектор манфаатларини теран ифодалашдир. Сиёсий кучнинг бу бора-

зилди. Шу кунга қадар 1880 нафар депутатимиз, партия тузилмаларининг 804 нафар раиси ва раис ўринбосарлари томонидан 24 млрд.

Залворли ва синовли йиллар

Шу маънода партиянинг 17 йиллик фаолияти гоёта самарали, сермазмун кечди, дейишга бизда асослар кўп. Юртимиз янада раванқ топишига салмоқли ҳисса қўшди. Сўзи билан иши бир сиёсий куч сифатида обрў-эътибор қозонди.

Партия ташкил топган сана муносабати билан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Одатда, бундай кезларда ортга бир назар ташланади, бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади. Мамнуният билан айтиш керакки, партиямиз тилга олса арзигулик муваффақиятларга эришди, электорати, тарафдорлари олдида юзи ёруғ бўлди.

Йиғилишни партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов Қашқадарёда сафарда бўлгани боис видеоконференц-алоқада туриб очиб берди ва O'zLiDePнинг ўтган 17 йиллик фаолияти, айниқса, кейинги тўрт йил ичида амалга оширилган ишларга атрофлича тўхталди.

Бугунги кунга келиб ўз сафида 800 мингга яқин фаол аъзосини бирлаштирган етакчи партия ўтган 17 йил давомида халқ билан ҳамнафас бўлиб, билдирилаётган ишончини оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегияси O'zLiDeP зиммасига ҳам тамомила янги вазифаларни юклади. Бу тарихий ҳужжат бугунги кунда партия фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий ва гоёвий асосини ташкил этмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси тизимли ва изчил либерал ислохотлар орқали мамлакатимизни барча соҳаларда янгилаш ва модернизация қилиш ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган ўзига хос “йўл харитаси”дир. O'zLiDeP уни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллиги ва барқарорлигини таъминлаш бўйича сиёсий масъулиятни ўз зиммасига олган партиядир.

Тадбирда партия ҳамда

аъзосига айланди, салоҳияти рўёбга чиқди.

Масалан, чекка қишлоқларда истиқомат қиладиган 140 нафар хотин-қизлар партия мадади билан 5 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди, натижада 1 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тўла рўёбга чиқишига ёрдамлашиш ҳам партиянинг асосий йўналишларидан бўлиб қоляпти.

даги самарадор, қўламли ишларига кенг жамоатчилик юқори баҳо берапти, маъқулляпти.

Ўтган вақт ичида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлар, қолаверса, халқимиз кутаяётган, бугунги ислохотлар талабларига жавоб берадиган қонун ташаббускорлиги фаолиятини янада жонлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Эътиборлиси, партия ўзининг 17 йиллигини, таъбир жоиз бўлса, туғилган кунини ҳам халқимиз билан бирга ўтказмоқда. “O'zLiDeP 17 йил: 17 минг оилага саховат ва кўмак” лойиҳаси доирасида ҳудудий партия ташкилотлари депутатлар, кўнгилли ҳомийларни жалб қилиб, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган 17 минг юртдошимизга ёрдам беришдек савобли ишни бошлаб юборди.

Йиғилишда O'zLiDeP тамал тошини қўйишда қатнашган, кўп йиллар партия сафида бўлиб, унинг етакчи сиёсий кучга айланишига ҳисса қўшган сафдошларимиз ҳам сўзга чиқдилар. Кекса фаол Аҳмадали Тешабоев, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳодир Тожиев, партия ҳудудий кенгашлари раислари – Раҳматулла Камолов, Фармон Аминов, Равшан Фозилов ва бошқа жонқуяр, фидойи маслақдошларимиз ўтган кунларда дағаламизни таъминлаган омиллар, халқ ичига янада чуқурроқ кириб бориш зарурати, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда янги Уйғониш даври пойдевори қурилайётган ҳозирги паллада ислохотларга ҳамоҳанг иш юритиш тўғрисида фикрлар билдирдилар.

Мажлисида партия фаолияти таҳлилий-танқидий кўриб чиқилди ва галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Бехзод ИСРОИЛОВ,
Шухрат РАҲИМОВ
(суратлар),
“XXI asr” мухбирлари



унинг фракцияси Ҳаракатлар стратегияси ва сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Ўтган давр мобайнида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш борасида партия қатор лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали опа-сингилларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашмоқда. Ушбу лойиҳалар орқали қанчадан-қанча хотин-қизлар жамиятимизнинг фаол

Биргина мисол: пандемия келтириб чиқарган мураккаб шароитга қарамасдан жорий йилда “Ёшлар – келажагимиз” дастури доирасида “Ёш мулкдор – юрт таянчи”, “Ишбилармон талаба”, “Ёш инновациячи”, “Ёш тадбиркорлар ва фермерлар” ва “Ёш либераллар клуби” лойиҳалари амалга оширилиши жараёнида 60 нафар ёш тадбиркорга 1 млрд. 904 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди, 960 киши иш билан таъминланди, 221 киши истиқболли кадрлар захирасига олинди.

Партия фаолиятининг энг муҳим йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

2020 йилнинг кўп қисми пандемия туфайли юзага келган мураккаб шароитда ўтди. Ана шундай синовли кунларда ҳам партия халқимиз билан ҳамнафас бўлишга, одамлар оғирини енгил қилишга астойдил интилди. Хусусан, карантин бошланганидан буён партия фаолияти бўлган тадбиркорлар, фермерлар, маҳаллий кенгашлар депутатлари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига узлуксиз ёрдам кўрсатилаяпти. “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармаси, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати фондларига ҳомийлик маблағлари ўтқа-

НАВОИЙ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИ:

Пресс-тур

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ва унинг моҳиятини халққа етказиш мақсадида O’zLiDeP вилоятлар бўйлаб қатор тадбир ўтказмоқда. Мазкур тадбирлар самараси ўлароқ иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг имтиёзларни қўллашдаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш чоралари кўриломоқда.

Партиянинг Навоий вилояти Кенгаши томонидан эркин иқтисодий индустриал зона бўйлаб ташкил этилган пресс-турни уюштиришдан кўзланган мақсад ҳам аини шу эди. O’zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда тадбиркорлардан иборат гуруҳ дастлаб Навоий шаҳрида яқин

91 та лойиҳа, инновацион ғоялар ва самарали фаолият

хизмат кўрсатиш сифати, мутахассисларнинг билим ва тажрибалари билан танишишди.

Сўнгра Кармана туманида жойлашган кичик тадбиркорлик субъекти – полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарувчи “Озод пласт” МЧЖ фаолияти ўрганилди. Жамият раҳбари Манзура Каримова билан суҳбатлашилган, тажрибали тадбиркорлар корхона фаолиятини кенгайтириш юзасидан йўналишлар беришди.

Саёҳатчиларнинг навбатдаги манзили йилига 15 минг тонна (14 турдаги) бентонит гил қуқуни ишлаб чиқараётган “Bentonite” МЧЖ бўлди. У ерда амалга оширилган ишлар ва инновацион лойиҳалар ҳаммани қизиқтириб қўйди. Айниқса, ёқилғи мойини ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бентонит гил қуқунидан фойдаланган ҳолда қайта тозалаш мумкинлиги ва бу 18 миллион сўмлик харажатни 5 миллионга қисқартириш ҳақиқатан ҳайратланарли эди.

Кун тартибига кўра иштирокчилар Навоий эркин иқтисодий зонасида фаолият олиб бораётган “Telekom innovations”, “Telekom devices pro”, “Shurtan Navoi Plast” корхоналаридаги



қувурлар ишлаб чиқараётган ва бу соҳаларда янги лойиҳаларни тақдим этаётган аини корхоналардаги иш жараёни, яратилаётган иш ўринлари, самарадорлик юзасидан суҳбатлар олиб борилди.

Айниқса, “Telekom innovations” қўшма корхонаси тақдим этаётган янги лойиҳа – оптик толалар етиб бормаيدиган худудларга интернетни ҳаво орқали етказиш ёшларни таажжублантирмай қолмади. Ахир, 20 километрлик қишлоқни олдиндаги 80-100 миллионга эмас, бор-йўғи 10 миллион сўм билангина интернетлаштириш албатта ҳайратланарли-да! “Telekom devices pro” МЧЖ томонидан “Ўзбекистон” миллий смартфонларининг сотувга чиқарилаётгани ҳам ундан қолишмайди.

Куннинг иккинчи ярмида эса Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида “Махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни хусусийлаштириш истиқболлари, имтиёзларни қўллашдаги муаммолар ва ечимлар” мавзусида “O’zLiDeP press klubi”нинг навбатдаги сони бўлиб ўтди.

Спикерлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари, партия Навоий вилоят Кенгаши аъзолари, му-

тасадди ташкилотлар, бошқармалар ва масъул идоралар раҳбар ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда ижтимоий тармоқлар ва жойига бориб ўрганиш орқали кўтарилган масалалар ўртага ташланди. Ижро органи, электротар вакиллари ва сайловчилар ўртасида очик мулоқотни ташкил этиш ва муаммоларнинг ечимини топишда кўприк вазифасини ўташ мақсадида ташкил этилган пресс-клуб ҳам онлайн, ҳам офлайн тарзда амалга оширилди. Эътироф этилдики, Навоий эркин иқтисодий индустриал зонаси дирекциясини ташкил этиш баробарида 91 та лойиҳа амалга оширилган ва бундай зоналар ташкил этилиши қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Шундан сўнг Ёшлар хиббони марказий майдонида O’zLiDePнинг 17 йиллиги муносабати билан кўнгилочар музикаий дастур намойиш этилди. “O’zLiDeP – доимо сиз билан бирга” шiori остида ташкил этилган ушбу оммавий тадбирда сиёсий куч электорати вакиллари, депутатлар, фаоллар, фахрий аъзолар, миллий-маданий марказлар вакиллари ҳамда бир гуруҳ ёшлар иштирок этди.

O’zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши матбуот хизмати



кунларда фаолият бошлаган “Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси”да бўлишди. Бу ердаги шарт-шароитлар, миջозларга

иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди. Электр техникалари, телекоммуникацион ускуналар ва полиэтилен

Томорқачиникида... семинар

Бўёғи қизиқ бўлди-ку, деяписми, авваллари бундай янгиликни эшитмаганимиз учун бизгана сал эриш туюлди. Кейин билсак...

Қамаши туманидаги Чим қишлоғида томорқасидан яхшигина даромад олаётган соҳибкорлар кўп. Улардан бири Қурбон бобо Чориев 30 сотих томорқаси ва йўл четидан ўзлаштирилган 30 сотих ердан ҳар йили 60 миллион сўмдан кўпроқ фойда кўраётгани нафақат тумандаги, балки вилоятдаги томорқачиларда ҳам қизиқиш уйғотди.

Қурбон бобонинг хонадонидан ўтказилган илмий-амалий семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O’zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов,

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, томорқачилар ва ОАВ вакиллари қатнашгани янада яхши бўлди. Сабаби, ҳайҳотдек ҳовлисига мевали дарахтларни-ку қўяверинг, нуқул макжаҳўхоридан бошқа нарса экмайдиган одамлар ҳам чеккароқда туриб, отахоннинг деҳқончилик сирларидан воқиф бўлишди.

Тадбирда Қурбон бобонинг ўғли Баҳром Чориев 2 сотих иссиқхонасида лимон билан бирга баҳор пайтида бу дарахт новдаларидан кўчат етиштираётгани ҳақида сўзлаб берди. Яна денг, икки сотих иссиқхонасида картошка экиб, мул ҳосил олаётгани Қашқадарёда янгилик сифатида баҳоланди. Игнбаргил дарахт кўчатларини парваришлаш тажрибаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Очик ҳовлида,



кам эмас ахир, 70 туп тоқ, анор ва бошқа экинлар экиб, яхшигина даромад олаётганига кўпчиликини қизиқтириб қўйди.

– Биз Чориевлар оиласини бежиз танламадик. Тўғри, мамлакатимизнинг кўплаб худудларида томорқачилик бўйича бой тажриба тўплаган юртдошларимиз сафи йил сай-

ин кенгайиб бормоқда, – дейди Ақтам Хаитов мулоқот чоғида. – Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик, хусусий бизнес, айниқса, бир парчагина томорқасидан унумли фойдаланиб, катта даромад топаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун барча имконият ва имтиёзлар яра-

тиб берилаётгани халқимизни руҳлантиряпти. Менинг таклифим, имкони борича, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида 5 тадан хонадонда ана шундай тажрибаларни синаб кўриш керак. Ана шундагина, бошқа оилалар ҳам намуна олади, томорқачиликка иштиёқи ортади. Энг асосийси, қайси худудга, қайси экин яхши ўсишига қараб ишни ташкил қилиш зарур. Масалан, Чим қишлоғида сув муаммоси мавжудлиги учун ҳар бир хонадонга 20 тупдан тоқ экилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Қашқадарёда ер кўп, ҳар бир қарич тупроқдан унумли фойдалансак, камбағалликни қамайтириш, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га кирган юртдошларимиз даромадини оширишда муҳим қадам бўлади.

Тадбир қатнашчилари Қамаши туманидаги бошқа томорқачилар фаолияти билан ҳам танишиб, тажриба алмашишди.

O’zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши матбуот хизмати

ДЕПУТАТНИ ОДАМЛАР ОРАСИДА



Деҳқонобод тумани 12-Карашина сайлов округидан

...Деҳқонобод туманидаги Оқрабат қишлоғини кесиб ўтвчи дарё устига одамлар ҳашар йўли билан қурган омонат кўприкни сел олиб кетгач, қишлоққа қарашли Оқрабат, Кушбулоқ, Темиралли, Шамоликам овулларида истиқомат қилаётган аҳоли бозор-учар ёки қариндош-уруғиникига тўй-маъракага боришга ҳам қийналиб қолишди. Энди улар қўшни маҳаллагаям бир неча километр узоқликда жойлашган кўприкдан ўтишга мажбур эдилар. Энг ачинарлиси, болалар мактабга, кексалар ва ногиронлар эса сал тоби қочса, тиббиёт масканларида боролмай қолишди. Тўрт овулдан иборат бу қишлоқда беш мингга яқин аҳоли умргузаронлик қилади. Афсуски, улуснинг кайвонилари гапни бир жойга қўйиб, ушбу муаммо юзасидан бир нечта мутасадди идораларга йўллаган шикоятлари изсиз кетди. Ҳафсаласи пир бўлган одамлар охири 12-Карашина сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Сирожиддин Норқобилов билан кечган учрашувда бу оғриқли масалани кўтаришга мажбур бўлишди.

Депутат шу қишлоққа бориб, ҳолатни синчиклаб ўрганиб, кексалар, фаоллар билан очиқчасига гаплашиб олгач, бу ҳудудда муштаҳамроқ кўприк қуриш кераклигини англаб етди ва тажрибали мутахассислар билан маслаҳатлашди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа фурсатда дарёга темир-бетон конструкцияли сув ўтказиш иншооти қурилиб, аҳоли ва транспорт воситалари қатнови қайта тикланди.

Бундай савобли ишларга бошқош бўлиш, айниқса, унга ишониб овоз берган сайловчилар дарадига дармон бўлишдек масъулиятли вазифани шараф билан урдалаш Сирожиддин Норқобилов учун инсоний бурч ҳисобланади. Айниқса, у вилоят Кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашиб, депутатлик гуруҳи зиммасига аҳоли манфаатларини ифода этадиган, жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни

бартараф этишга қаратилган қонун ва қарор, фармонлар, давлат ҳужжатлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини ташкил этишдек фойда муҳим вазифа юклатилганлигини теран англайди. Уларнинг ҳар бири депутатлик назоратининг барча шакл ва усулларини билиши, масалани чуқур ўрганиш асосида муаммолар ечимига доир амалий тақлифлар ишлаб чиқа олиши, маҳаллий ҳокимликлар ва ижро этувчи идора ва муассасаларнинг барча давлат аҳамиятига молик ҳужжатлари ижроси юзасидан масъулиятларини ошириш борасида зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши кераклигини яхши билади. Унинг ташаббускорлиги боис депутатлар вилоятда ичимлик сув таъминотини яхшилаш, оқова сув иншоотлари қурилишини жадаллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириб, сифатини яхшилаш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқишмоқда. Қўли очкиқнинг йўли очиқ деганларидек, одамларнинг яшаш

шароити билан яқиндан қизиқиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга интилади.

Депутат тез-тезда сайлов округига қарашли қишлоқларда бўлиб, одамларнинг турмуш шароити, бандлиги, ҳудудни ривожлантириш борасида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар ижроси билан қизиқади. Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга сўровномалар юборади. Сайловчилар билан учрашишга, уларни тинглашга доимо вақт топади. Номзоди учун овоз берган инсонларнинг ҳаётида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нечоғлик самара бераётганини ўрганиб, янгиланишлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқади. Жамият ҳаётини депутат сифатида чуқурроқ кузатишга, деҳқонободликларнинг фаровонлигини ошириш борасида истиқболли дастурлар ишлаб чиқишда ҳам бошқаларга намуна бўлаётганини таъкидлаш лозим.

Деҳқонобод туманидаги Қодир баҳши маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Жарма қишлоғи аҳолиси ҳудудда мобиль алоқа ва интернет тармоғини янада яхшилаш учун замонавий антенна ўрнатиш зарурлиги хусусида мурожаат қилишгач, депутат “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё вилоят филиали АЖ раҳбарига сўровнома билан мурожаат этди. “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали томонидан мазкур қишлоқдан 6 км узоқликда бўлган Хўжа Маҳмуд қишлоғида янги таянч станциясини ўрнатиш ишлари якунланаётганлиги, Жарма қишлоғида эса антенна ўрнатиш режага киритилганлиги маълум қилинди. Вилоят Автомобиль йўллар, транспорт бошқармалари, Деҳқонобод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбарларига сўровнома билан чиққач, “Мустақиллик” кўчасида жойлашган Қарши – Бешкент йўналишидаги кўприкни реконструкция қилиш, Чашмирон маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Оққул қишлоғи йўлларини таъмирлаш дастурга киритилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти “Қарши минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси бошлиғи Сирожиддин

Норқобилов корхонада меҳнат қилаётган ташаббускор ва билимдон ёш мутахассисларнинг ижодий изланишлари, ихтиро ва рационализаторлик тақлифларини амалиётга татбиқ этишлари учун доимо эътибор ва рағбат кўрсатади. Корхона тасарруфидаги ташкилотларда фидокорона меҳнат қилаётган, инновацияларни амалиётга татбиқ этаётган салоҳиятли ёшлар билан тез-тез мулоқот қилади. Йигит-қизлар орасидан билимли, иқтидорлиларни танлаш, уларнинг дам олиш соатларини мазмунли ўтказишлари учун турли кўрик-танловлар ташкил этиш аъёнага айланган. Қарши Темирйўлчилар маданият саройида кутубхона мавжуд бўлиб, муттасил равишда янги илмий ва бадиий адабиётлар билан тўлдирилмоқда. Мусиқа, шахмат-шашка тўғараклари ишлаб турибди. Иқтидорли ва зукко ёшларни кашф қилиш мақсадида “Заковат” интеллектуал ўйини ташкил этилади. “Локомотив” соғломлаштириш клубига спорт анжомлари келтирилиб, мусобақалар уюштириляпти. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти миқёсида бўлиб ўтган “Энг яхши инновацион гоялар” танловига совриндор бўлган “Юк ва тижорат ишлари” бўлими муҳандиси Ўктам Шокиров, ШЧ-8 корхонаси бошлиқ ўринбосари ва электромеханиги Зафар Қодиров, Асрор Норқулов, ТЧ-8 корхонаси меҳнатга ҳақ тўлаш муҳандиси Жаҳоҳир Элчиевлар корхона раҳбариятининг фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

– Президентимиз яқинда Қашқадарёга ташрифи чоғида вилоят фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда вилоятимизда кўп соҳаларда йиғилиб қолган ўткир муаммоларни санаб ўтди ва улар орасида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи жуда ачинарли аҳволда эканлигини алоҳида таъкидлади. Тасаввур қилинг, ичимлик суви таъминоти вилоят бўйича 50 фоизга, хусусан, Косонда 26, Деҳқонободда атиги 4 фоизни ташкил этиши, қувурларнинг 60 фоизи таъмирталаб бўлиб қолганлигини қандай баҳолаш мумкин, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Саноат, транспорт,

ТЕЛЕВИЗОРДА ЭМАС, КЎПРОҚ КЎРАЙЛИК!

Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Сирожиддин Норқобилов фаолиятига бир назар

қурилиш, коммунал хўжалик масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссия раиси Сирожиддин Норқобилов.

– Дарҳақиқат, бу муаммо бир ёки икки йил ичида пайдо бўлгани йўқ, неча йиллардан бери кўтарилди. Лекин тегишли идоралар ўз вақтида чора кўрмади. Биз ҳар доим кечикиб хулоса чиқарамиз. Депутатлик гуруҳимиз томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига ушбу долзарб масала юзасидан таклиф киритилиб, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги “2017 – 2021 йилларда ичимли сув таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарорининг вилоятдаги ижроси борасидаги ишлар хусусида “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ директори Хуршид Усмоновнинг ахбороти тингланди. Сессия қарорига кўра йил охирига қадар вилоятдаги ҳар бир аҳоли пункти ва ичимлик суви таъминоти ташкилотлари бўйича сув таъминоти объектларини паспортлаштириш ва электрон базасини шакллантириш вазифаси юклатилди. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича манзилли дастурлар 2021 йил инвестиция дастурига киритилди.

Ақсарият водопровод тармоқлари капитал таъмирга муҳтож. Шаҳрисабз – Қарши – Муборак, Яккабоғ – Муборак магистраль сув қувурлари туман қишлоқларидан ўтган бўлиб, бу ерда яшовчи аҳоли ноқонуний равишда қувурларни тешиб, сифатсиз қувурларни улаб, ичимлик сув билан томорқаларини сугормоқдалар. Босим камайганда ёки сув тўхтатилганда уларнинг чириган қувурлари орқали келаётган микроблар марказий қувурга тушяпти. Бу эса аҳоли истеъмоли учун юборилаётган тоза ичимлик сувининг ифлослишига, турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Қиш ойларида эса ўша қонунбузар фуқаролар қувурлари музлаб қолмаслиги учун катта маблағ эвазига қазиб олинаётган, тиллога тенг ичимлик сувини ариқ ва зовурларга кечая-кундуз оқизиб қўйишгаётганини қандай оқлаш мумкин? Бундай шармандали ҳолатга ҳамон тегишли мутасаддилар томошабин



бўлиб туришганлиги ғоят ачинарлидир.

Бундан бир неча йил муқаддам Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг йиғилишида ушбу масала муҳокама этилиб, марказлашган қувурга уланган фуқароларни узиб ташлаб, ичимлик суви сифатини назорат қилиш борасида амалий таклифлар билдирилганди. Аммо йиғилиш қарори қоғозда қолиб кетди, амалда ҳеч қандай иш бажарилмади. Шунинг учун биз бу масалани сессия кун тартибига киритдик. Сессия қарори билан ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси вилоят ҳудудий инспекцияси, “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ ва вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда туман, шаҳар ҳокимликларига туманлараро ичимлик суви магистраль қувурларига ноқонуний уланишларни бартараф этиш бўйича назорат комиссия ташкил этган ҳолда, йўл харитаси ишлаб чиқиб, қилинган ишлар юзасидан мунтазам ҳисобот бериб туриш вазифаси юклатилди.

O‘zLiDeP фаоли Қарши тумани Батож массиви аҳолисининг халқ депутатлари вилоят Кенгашига юборган мурожаатини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи раҳбари сифатида одамларни қийнаб келаётган қатор муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга бош-қош бўлди. Бу мавзе шундоққина Қарши шаҳри

ёнгинасида жойлашган бўлса-да, батожликлар ичимлик сув таъминоти ёмонлиги боис, бир машина сувни 70 мингдан 100 минг сўмгача бўлган нархда харид қилишар экан. Уларнинг фарзандлари ҳудудда мактаб йўқлиги учун узоқ масофага қатнаб, таълим олишар экан. Транспорт хизмати мутлақо талабга жавоб бермайди. “Дамас”лар қатнови тўхтатилганидан сўнг, массивни шаҳар билан боғлайдиган транспорт воситаси қолмади. 490-рақамли автобус кунига бир марта қатнайди, холос. Депутатнинг саъй-ҳаракатлари билан 630 ўринли замонавий мактаб биносини қуриш дастурга киритилди. Аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланиб, транспорт хизматини талаблар даражасида ташкил этиш учун вилоят транспорт бошқармасига сўронома билан мурожаат этилди. Ерларнинг шўрланишини олдини олиш учун зовур ва коллекторлар тозаланди. Батож мавзеси ҳудудидаги йўллар равонлаштирилиб, сифатли таъмирланди. 100 ўринли янги болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳоли томорқа ерларидан унумли фойдаланишлари учун ушбу ҳудуднинг сугориш тизими лойиҳалаш орқали оқова сув таъминотини йўлга қўйиш, дорихона, ҚВП, маиший хизмат уйи, спорт майдончалари ва мини-ўйингоҳлар қуриш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

– Вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP

депутатлик гуруҳи фаолиятини кучайтириш, барча амалий ишларни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш борасида мунтазам равишда амалий таклифларни ўртага ташлаялман, – дейди суҳбатдошимиз Сирожиддин Норқобилов. – Депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва вакиллари-нинг муҳим давлат дастурлари ижросига оид эшитувларини ташкил этиш, партиямиз дастурида белгиланган вазифаларни бажариш ва электротар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вилоят Кенгаши сессияларида фаоллик кўрсатиш талаб этиляпти. Айниқса, комиссиямиз аъзолари вилоятда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, сугориш иншоотларини таъмирлаш, қабристонларни ободонлаштириш, йўллар, хибонлар, кўкаламзорлаштириш ишларини мунтазам равишда мониторинг қилиб боришяпти. Яқин орада ободонлаштириш борасида масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш режалаштириляпти.

Дарвоқе, вилоят Кенгаши депутати Сирожиддин Норқобиловнинг бошқа ноиблардан фарқли жиҳатини барибир айтмасам бўлмас. Яширмайман, у ҳам айримларга ўхшаб, қўлимга бир кучоқ қоғоз-ҳужжатларни тутқазиб, энди, муҳбир ака, шуларнинг орасидан бирор мақола қиларсиз, деганида бу гапларни ёзиб ўтирмасдим. Очиғи, у мақтанмади, қуруқ, расмий, баландрасвоз гапларни ҳам айтмади, аксинча, шу кунгача қандай амалий ишлар қилган бўлса, ҳаётини мисоллар билан шарҳлаб берди, жойларга биргаликда чиқиб, оддий одамлар билан суҳбатлашдик, дардлашдик.

Қанийди, агар ҳамма депутат, у туман ё вилоят Кенгашига сайланганми ёки Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият олиб бораётгани, Президентимиз истаётгани каби кўпроқ эл-улус орасида юрсагина, муаммолар, ташвишлар камайарди. Халққа ҳам, одамларга ҳам, давлат ва жамиятга ҳам ана шундай шижоатли, ташаббускор депутатларнинг кўпроқ нафи тегади-да.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ҒИШТ ЗАВОДЛАРИ ҚОНУНДАН ТАШҚАРИДА...ми?!

**Ишчи гуруҳ ўрганишлари хулосаси:
белгиланган имконият ва имтиёзлар
суиистеъмоликлар учун йўл очмаслиги шарт!**

Инсон саломатлиги, атроф-муҳитга беэиблиги нуқтаи назаридан олганда табиий ашёларга етадигани йўқ. Айтайлик, одамлар темир-бетон уйлاردан кўра пишган ёки хом ғиштдан қурилган иморатларда яшашни маъқул кўради. Шу боис гарчи қурилиш бозорлари гўё “табиий ашёлар ўрнини босувчи” турли сунъий маҳсулотлар билан тўлиб-тошиб кетган бўлса-да, хом ва пишган ғиштга эҳтиёж камайгани йўқ. Аксинча, юртимизда янги-янги ғишт заводлари ишга тушяпти. Эътиборлиси, бу майдонда асосан

муносабатда бўлаётгани, белгиланган талабларга рио қилаётганидан кўнгли таскин топади. Бироқ кўзига фақат пул кўринадиган, экологияга тупурган каслар борлигидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Собир Машрабнинг маълум қилишича, мазкур қўмита ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳудудий вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлар

вазир биринчи ўринбосари топшириғига биноан амалга оширилди.

Мамлакатимизда 1300 га яқин тупроқ карьерлари, ғишт заводлари бор. Улардан 944 таси ишлаб турибди. Ана шу корхоналарнинг фаолияти экологик талабларга нечоғли жавоб бериши борасида муайян хулосалар чиқарилди.

Фарғона вилоятида 95 та ғишт ишлаб чиқарувчи корхона ишляпти. Ишчи гуруҳ дастлаб Фарғона туманидаги 4 та корхонага бориб, текширув ўтказди. Афсус, натижалар одамни

йўл қўяётган заводларда чуқур, ҳар томонлама текшириш ўтказиш зарурати туғилди. Мораторий жорий этилгани боисидан “Бизнес-омбудсман”дан рухсат олиниб, Фарғона ва Риштон туманларидаги 7 та корхонада тўлақонли текшириш, назорат ишлари амалга оширилди.

Бошқа вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасидаги корхоналар орасида ҳам табиатга нисбатан жиноят содир қилаётганлар аниқланди. Тупроқ конлари меъёрларга зид равишда чуқурлаштирилган. Баъзи

микан? Чунки қонунбузарлар орасида кўп йиллардан бери ишлаётган, фаолиятида илгари ҳам хато-нуқсонлар аниқланган корхоналар бор. Бирор иншоотга қандайдир шикаст етса, уни тузатиш мумкин. Аммо табиатга эиён етса... Орол фожиасини эслайлик. Олимларнинг айтишича, масалан, тупроқнинг унумдор қатлами бирор сабаб туфайли йўқ бўлиб кетса, унинг қайта тикланиши учун неча юз йиллар керак бўларкан. Демак, худбин, инсофсиз кимсалар келгуви авлодлар соғлиғини ҳам, тиркичилигини ҳам ўйламайпти.



Ғишт ишлаб чиқариш жараёнида айрим ҳудудлар саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланяпти.

хусусий сектор вакиллари жавлон уряпти. Демакки, монополия йўқ, рақобат кучаймоқда, нархлар осмонга сапчимаяпти, ҳар қадамда илғор технологиялар, харидорларга турфа қулайликлар яратиляпти, хулласи калом, тармоқ гуллаб-яшнапти. Аммо...

Ажабо, экологик тоза, табиий материаллар олишда кўпинча экологияга путур етляпти. Ваҳоланки, давлатимиз пишган ва хом ғишт ишлаб чиқаришда атроф-муҳит ифлосланмаслиги, табиий мувозанат бузилмаслиги учун барча зарур чораларни кўриб қўйган. Бетакрор табиатимизни қонунлар ҳам муҳофаза қилмоқда. Аксарият ишбилармонлар зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб, табиатга эҳтиёткорона

икки ой аввал вилоятларда ўтказган визуал ўрганишлар (яъни, росмана текширувлар эмас, балки ғишт корхоналари қандай фаолият олиб бораётганини кўздан кечириш. Бунда текширувчилар жарималар солиш ва бошқа чоралар қўллай олмайди) яратилган имкониятлар, имтиёзларни суиистеъмолик қилаётган тадбиркорлар ҳам борлигини кўрсатди. (Маълумки, Президентимизнинг гамхўрлиги туфайли мораторий жорий қилиниб, икки йилдан буён тадбиркорлик субъектлари текширилмаяпти. Бунинг ижобий жиҳатлари ҳисобсиз. Лекин айрим ғишт чиқарувчилар босар-тусарини билмай, жуда қуюшқондан чиқиб кетаётгани ҳам рост). Таъкидлаш зарурки, мазкур ўрганишлар Бош

хушнуд этмайди. Чунки, “Юксак таъмир” МЧЖ тупроқ қазиш жараёнида қоидаларга рио қилмагани сабабли ботқоқликлар ҳосил бўлган. Шунингдек, корхона экологик-меъёрий лойиҳалар ишлаб чиқмагани ва фаолияти давлат экологик экспертизасидан ўтказилмагани аниқланди. “Файз ғишт” корхонасида ҳужжатлар борасида камчиликлар йўқ. Бироқ рекултивация (тупроқнинг унумдор қатламини кейинчалик фойдаланиш мақсадида сақлаб қўйиш) ишлари бажарилмаган. Табиий ландшафтнинг бузилиши, ботқоқланиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланди. Қолган икки корхона ҳам у ёки бу даражада экотизимга таларфот етказган. Бинобарин, шу сингари нуқсонларга

жойларда сизот сувлари юзага чиқиб, ер ботқоқланган. Ер рельефи бузилган. Техник ва биологик рекултивация бажарилмаган. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган чуқурликларга саноат ва маиший чиқиндилари ташланган. Тегишли ҳужжатлар тайёрланмаган. Ишчи гуруҳлар тупроқни ноқонуний қазиш ҳолатларига ҳам дуч келишди.

Тўлақонли текширув ўтказилган корхоналардагина қонунбузарларга жарималар солинди ва бошқа чоралар кўрилди. Ишчи гуруҳлар хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот ва асосли таклифлар тақдим этилди.


Албатта, айбдорлар тегишли жазо олиши керак. Лекин “калтак” қор қилар-

Фикримизча, қоидаларга хилоф йўсинда ғишт тайёрлаётганларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам қўлланиши лозим. Шунинг баробарида қонунларни бузмай ишлаётганларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга турли имтиёзлар бериш яхши самара бериши мумкин.

Албатта, ҳар бир тадбиркорнинг бирламчи мақсади фойда олиш. Ишбилармон шунга интилар экан, бу жараёнда одамлар иш билан таъминланади, техника-технологиялар кириб келади, маҳсулотлар сифати ошиб, нархи арзонлашади ва ҳоказо. Бироқ буларнинг ҳаммаси она табиатни ғорат қилиш эвазига бўлмаслиги лозим.

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,
“XXI asr” муҳбири**

Акция



Меҳр қолур, оқибат қолур

“O'zLiDeP 17 йил: 17 минг оилага меҳр ва саховат” лойиҳаси доирасида Бухоро шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари Нодир Ҳамдамов, Ҳалимжон Сафаров, Жонибек Матниёзов ва Дилмурод Аҳадов ўз сайлов округларидаги 90 га яқин кекса, ногиронлиги бор, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган эҳтиёжманднинг ҳолидан хабар олдилар.

Халқ ноиблари турфа тақдирларга дуч келди. Супия Баракатова – иккинчи гуруҳ ногирони, уни узоқ йилдан буён юрак хасталиги безовта қилади. Афсуски, яққаю ягона ўли ҳам ишсиз. Тўғрироғи, ишга лаёқатли эмас. Рўзгорни ногиронлик нафақаси билан тебратиб келадилар... Баҳодир Қиличов эса ҳайҳотдек уйда бир ўзи яшайди. У ҳам ногирон. Кўнгли кемтик... Пўлотой Султонова ҳам шу йил саломатлиги билан боғлиқ муаммолар гирдобига қолди. Икки йил муқаддам турмуш ўртоғи дунёдан ўтган эди. Кўшнилари хабар олиб

туришибди.

– Онамни юрак хуружи безовта қилади, – дейди Бухоро шаҳридаги Утрор кўчасида яшовчи Насиба Эшонқулова. – Ўзим эса юролмайман, биринчи гуруҳ ногирониман. Бугун бизни ўзимиз сайлаган депутат йўқлаб келди. Оиламизга озиқ-овқат маҳсулотлари туҳфа қилди. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ. O'zLiDeP депутатларига раҳмат.

Хайрия акцияси кўплаб кўнгилларни чоғ этди. Улар давлатнинг халқ ноибларининг меҳрини ҳис қилишди.

O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Депутатлик гуруҳларида

Қиш келса, ташвиш ҳам келади

Хўш, тегишли ташкилотларнинг изғиринли фаслга тайёргарлик ҳолати қандай?

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида юқоридаги саволга жавоб топиш мақсадида мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари эшитилди. Унда Халқ депутатлари Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, 10 дан ортиқ идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Куз-қиш мавсумида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжини таъминлаш, айниқса, фуқароларнинг шароитини янада яхшилаш, совуқ даврдан талафотсиз чиқишларини таъминлаш, тиббиёт ва таълим масканлари, тадбиркорлик субъектларини узлуксиз газ, сув, иссиқ сув, кўмир, электр энергияси билан таъминлаш чораларини кўриш борасида 3 та масалага алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, соҳада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан 2020 йилнинг шу даврига қадар амалга оширилган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 январдаги “Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклики янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг Хоразм вилоятидаги ижроси бўйича мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

“Хоразм ҳудудий электр тармоқлари” АЖ техник директори О.Ражабовнинг ҳисоботида кўра, электр тармоқлари ҳолати кун сайин яхшиланиб, муаммолар бартараф қилинмоқда.

Лектин Урганч шаҳар Кенгаши депутати Ш.Ражабов бир масалада ўзининг ҳақли эътирозини билдирди. Янги иш бошламоқчи бўлган тадбиркор биргина 7,5 Квлик электр энергияси симини тортиш учун мазкур ташкилот томонидан техник шартдан ўтказиши талаб қилинади. Техник шартда кўрсатилган 20 дан ортиқ талабларни бажариш, улар бўйича ҳужжатларни йиғиш учун тадбиркор камидан 10 дан ортиқ жойга боришга тўғри келади. Депутатлар ана шу муаммо борасида ташкилот раҳбари О.Ражабовга техник шартларни қайта кўриб чиқишни тавсия этишди.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида Хоразм вилоят Халқ таълими бошқармасининг қурилиш бўлими бошлиғи Э.Болтаев, Мактабгача таълим бошқармаси қурилиш, жиҳозлаш ва бинолардан фойдаланишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи У.Якубовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Халқ таълими бошқармаси тасарруфида жами 560 та муассаса фаолият юритади. 2020 йилда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 331 та умумтаълим мактаблари, 7 та махсус мактаб-интернат, Болалар шаҳарчаси ва Баркамол авлод болалар мактабларини жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Жорий таъмирлаш жараёнида 137 та қозонхона, 49 та иситиш қозони, 10277 п/метр ички иситиш тармоқлари, 11813 кв. метр томлар, 28225 кв. метр фасад қисмини жорий таъмирлаш, 810 п.метр иссиқлик трассаларини изоляция қилиш, 3135 кв. метр синган ойналарни алмаштириш кўзда тутилган бўлиб, булар тўлиқ бажарилган ва куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўрилган.

Вилоят кенгаши депутатлари

Ш.Сафарбаев ва М.Жуманиязовалар қишлоқ мактаблари ҳолати ўрганилганда айримларининг ҳожатхоналари узоқда жойлашгани, болажонлар у ерга бориб-келишда шамоллаб, касал бўлишлари мумкинлигини айтди. Кўпчилик мактабларда компьютер ва лаборатория жиҳозлари етишмаслиги, мактабларга элтувчи йўлларнинг носозлиги таъкидланди. Мазкур ишларнинг бажарилиши юзасидан депутатлик гуруҳига қайта маълумот бериш сўралди.

Давлат кадастр соҳасида амалга оширилган ишлар бўйича мазкур ташкилотнинг раҳбари ўзи қатнашмасдан бўлим мутахассисини жалб қилгани учун унинг ҳисоботи депутатлар томонидан эшитилмади ва раҳбарнинг ўзи билан бу масалада қайта йиғилиш ўтказилиши, депутат сўровига кўра, эшитувга тайёр ҳолда келмаганлиги сабаби кўрсатирилиб, жавоб хати йўллаши зарурлиги ўқтирилди.

Депутатлик гуруҳи раҳбари М.Мадрахимовнинг таклифига асосан ҳар бир соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ҳал қилинишида иштирокчи ташкилотлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда, ҳамкорликда ҳаракат қилишлари зарурлиги, муаммоларни ҳал этишда O'zLiDeP депутатлик гуруҳи доимо кўмакка тайёр эканлиги билдирилди. Таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, кўрилган масалалар юзасидан Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг қарори қабул қилинди.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят
Кенгаши Сиёсий таълим
сектори мудир

Янги ланишлар тўлқини

ҳаётимизга фаровонлик, тараққиёт олиб кирапти

Ватанимиз тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйди. Шу сабаб нафақат минтақада, балки бутун дунёда “Янги Ўзбекистон” ибораси пайдо бўлди. Бу эса кейинги йиллар давомида Президентимиз томонидан амалга оширилган туб ислохотларга, бунёдкор халқимизга муносиб баҳо бўлди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар ва Миробод тумани кенгашлари ҳамда Миробод туман ҳокимлиги ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш” мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ана шу фикр бот-бот тилга олинди.

Пойтахтимиздаги 110-умумтаълим мактабда ташкил қилинган мазкур учрашувда партия тузилмалари вакиллари, депутатлар, Олий Мажлис ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, Маданият вазирлиги хо-



димлари, Миробод тумани ҳокими, шунингдек, таниқли санъаткорлар, ўқувчилар, талабалар, журналистлар иштирок этди.

– Сўнгги тўрт йил мамлакатимиз тарихида туб ислохотлар ва янги-

ланишлар даври бўлди, – деди ўз сўзида партия Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Умид Муҳамедов. – Айниқса, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг

жалб қилиш, уларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган 5 та муҳим ташаббус ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Умуман, барча жабҳаларда ижобий ўзгаришлар кечяпти ва бу янги ланишлар одамларни ҳаётдан рози қилишга, халқимиз турмушини янада яхшилашга қаратилган.

Айрим фаолларимиз ибрат олса арзигулик

ишларни шу тадбир давомида амалга оширдилар. Масалан, Ёшлар парламенти аъзоси, Миробод тумани Кенгашига партиямиздан сайланган депутат Хуршидбек Фазилов Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-босқич талабаси Сабоҳат Махсуджоновга контракт тўланганини тасдиқловчи сертификатни топширди.

Тадбирнинг бадиий қисмида эстрада хонандалари концерти ва спорт усталарининг чиқишлари бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

Хоразмлик ёшларга муносиб туҳфалар

■ Француз адиби Виктор Ҳюгонинг бир гапи бор: “Мақтаб очган одам бамисоли қамоқxonани ёпгандек гап”. Нақадар пурмаъно сўзлар. Мақтаб, боғча – таълим-тарбия ўчоги, зиё маскани.

Бу ерда илм-маърифат, одоб-ахлоқ қоидалари сингдирилади бола қалбига. Худди ниҳолдек авайлаб парваришланади улар. Бу ҳалқаларда узилиш бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Олим бўлмаса-да, одам бўлади ўғил-қизларимиз. Бугун юртимизда бир-бирдан кўркам таълим-тарбия масканлари бунёд этилаётгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Шу йил Мақтабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича” инжиниринг компанияси ДУК Хоразм вилояти филиали буюртмасига асосан 35 та муассаса моҳир бинокорлар томонидан барпо этилди. Масалан,

Янгибозор туманининг Навбахор маҳалласи болажонлари авваллари мослаштирилган бинода таълим-тарбия олишар эди. Энди улар учун давлат дастури асосида 120 ўринли 12-МТТ биноси бунёд этилди. Бу ерда Алишер Ҳужаев бошчилигидаги “Хоразм санюат курилиш” масъуляти чекланган жамияти курувчилари замонавий ошхона, иссиқлик тизими ва бошқа курилиш-монтаж ишларини олиб боришди. Айни дамда бино топширишга шай ҳолатга келтирилмоқда.

Урганч туманининг Чотқўпир маҳалласи аҳли ҳам мамнун. Боиси маҳалла кичкинтойлари ўтган асрнинг 70-йилларида бунёд этилган эски ва абгор ҳолатдаги

боғчага қатнашарди-да. Энди эса бу ерда барча қулайликларга эга 13-МТТ курилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида Урганч шаҳар перинатал маркази реконструкция қилинмоқда. Икки йилга режалаштирилган мазкур

лойиҳани амалга ошириш учун “Бунёдкор” МЧЖ бинокорлари шу йилга мўлжалланган ишларни якунига етказишмоқда.

Бундан ташқари, тумандаги 960 ўринли 16-мактаб биноси мукаммал таъмирланди.

Бинонинг том қисми, эшик ва ромлари, иситиш тизими янгиланди. Қўшимча уч қаватли 330 ўринга эга ўқув биноси барпо этилди. 5 миллион сўмлик лойиҳани моҳир курувчи Муҳаммад Ганжаев раҳ-

барлигидаги “Махсус сув газ монтаж курилиш” МЧЖ бинокорлари якунига етказишди. Ушбу таълим-тарбия масканлари вилоят ёшлари учун муносиб туҳфа бўлганига шубҳа йўқ.



Суратда (чапдан ўнга): “Махсус сув газ монтаж курилиш” МЧЖ раҳбари Муҳаммад Ганжаев ва вилоят лойиҳаларни курилиш техник назоратчиси Уринбой Жуманиёзов.



Водийда ҳам ибратли

■ Юқоридаги фикрларимизни Андижон вилояти мисолида давом эттирсак.

Шу кунларда Андижон вилоятида ҳам бунёдкорлик ишлари авжида. Кейинги йилларда водий вилоятлари орасида деярли барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришяётган бу ҳудуд аҳлига кўпчиликнинг ҳаваси келаётганининг сирлари кўп, десак ажабланмайсиз. Президентимизнинг “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, вилоят курилиш тизимида ибратли ишлар олиб бориляпти. Жумладан, Мақтабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича” инжиниринг компанияси ДУК Андижон вилоят филиали буюртмаси асосида бир қанча муассасалар реконструкция қилиниб, белгиланган муддатда бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Мисол учун,



Бўстон туманининг Тафаккур маҳалласида 120 ўринли 5-МТТ биноси қисқа фурсатда инвестиция дастурига кўра

барпо этилди. Ушбу 2 миллиард 900 миллион сўмлик болажонлар муассасасининг барпо этилишида “Андижон ихлос курилиш” МЧЖ бинокорларининг меҳнати беқиёс.

Шаҳрихон туманининг Бўстон маҳалласи болажонлари энди икки қаватли 33-МТТ муассасасида мактабга тайёрланишади. Барча қулайликларга эга 120 ўринли масканни “Тошсарфар фишт” хусусий корхонасининг курувчилари бунёд этишди.

Туманининг Найман маҳалласидаги 29-мактабгача таълим ташкилоти ҳам инвестиция дастури асосида реконструкция қилинди. Масканда болажонларнинг таълим-тар-

бия олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Ушбу 120 ўринли масканда замонавий ошхона, гуруҳ хоналари, болалар майдончаси, ёзги чўмилиш ҳавзаси, ҳар бир гуруҳ учун айвончалар архитектура меъёрлари асосида бунёд этилган. 2 миллиард 800 миллион сўмлик ушбу лойиҳани амалга оширишда моҳир курувчи Бобир Бурҳонов бошчилигидаги “Янги замон курувчиси” МЧЖ жамоаси жонбозлик кўрсатишди. Бундан ташқари, ушбу аҳил жамоа тумандаги Карнайчи мавзесида аҳоли учун янги 5 қаватли 30 хонадонли тураржой биносини барпо этиб, уй эгалари ихтиёрига топширди.

Шунингдек, Марҳамат туманидаги Истиқлол маҳалласи аҳли соғлиғини сақлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш учун оилавий поликлиника курилган. Мазкур масканни вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига кўра, “Сифат курилиш ҳамкор” МЧЖ бинокорлари барпо этишди.

Саҳифани “XXI asr” муҳбири Юнусали ОЧИЛДИЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.



Баъзи лахжаларда, кўпроқ Фарғона водийси ва Тошкент шеваларида, аканинг хотинига нисбатан “келинойи” ёки қискартириб “кеннойи” деб, бошқа худудларда “янга” ёки “чеча” деб мурожаат қилинади. Махаллий сўзлашувларда турли (женггэ, йенггэ, йенгбийе, чэчэ, шеше, гэлимбийи ва хоказо) кўринишлари мавжуд. Маънодош сўзларнинг кўплиги тилимиз бойлигидан, уларни асраб-авайлаш жонс. Аммо ойнажаҳон ва радио, матбуот ва адабий матларда “янга” ва “чеча”га нисбатан “келинойи”га бироз устулик берилиши сир эмас. Ёш авлод ҳар доим замонавий сўзлардан фойдаланишга интилади, акс холда, худди ўзини замондан орта қолгандай ҳис этади. Сўзлар эса шу тахлит ўлиб бораверади.

Келинойи, янга, чеча деб, аввало, аканинг хотинига нисбатан айтилса-да, ҳар қандай ёши улуг қариндош, яқин инсон аёлига нисбатан, ҳатто бегоналарга ҳам хурмат юзасидан шундай мурожаат этиш мумкин.

Хўш, нега “келинойи” дейилади? Бобомиз Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асаридида “келин” (“кэлин”) сўзи бор, аммо “келинойи” ёки унинг бошқа ша-

Келинойими, янгами ё чеча?



кллари учрамайди (ДЛТ. I том. 384-бет). “Келин” – “келмак” феълидан ясалган, яъни оиланинг ташқаридан келиб кўшилган аъзоси. Русча “невеста” сўзининг луғавий маъноси ҳам мантиқан “келин”га ўхшаб кетади. Мутахассисларга кўра, “невеста” – “неизвестная”, яъни “номаълум”, “илгари кўрилмаган”, “янги” маъноларидаги “не веста” сўзидан (“не” бўлишсизлик кўшимчаси ва “ведать” феълидан) ясалган.

Славян халқларидан фарқли ўларок, бизда азалдан куда-андачиликнинг ёзилмаган тартиб-қоидалари бўлган. Айтайлик, турмуш ўртоғининг ота-онаси – “қайин ота”, “қайин она” дея келин ё куёвнинг ўз ота-онасига тенглаштирилган, оиланинг бошқа аъзолари ҳам қайин + ота /ука /опа /сингил /бика шаклида туғишганлар қаторида кўрилган. Ёш қиз бошқа оилага келин бўлиб тушганда, ётсира-

маслиги, тезроқ кўшилиб кетиши учун уни “келин пошша”, “келин буви”, “келин бола”, “келин бика” ва хоказо сифатлар билан раҳбатлантиришган. “Келин оийи” дейиш эса мантиқан оиланинг кичик аъзолари томонидан аканинг (ёши улуг қариндошининг) хотини ҳам она қатори хурматланиши белгисидир.

“Келин” – “келмак”дан бўлса, “қалин” – “қолмок” феълидан ясалган, яъни қалин кизни сотиш эмас, балки унинг бошқа оилада фарзанд бўлиб қолиши кафолати сифатида берилган. “Девону луғотит-турк”да “қалин” – “қалинг” шаклида ёзилган ва шундай изоҳланган (III том. 382-бет): “کتلىق” қалин – қалин, сеп. Шейрда шундай келган:

*Бэрдём сэнә қалиң
Эмдә муні аїң
Эмгәк мэнїң білің
Оғрар тўнўр барғалі.*

Куёв қайнотасига айтади: сизга

қалин бердим, буни олинг. Бу молни тўплашдаги қийинчиликларимни тушунинг. Қайнота айтади: у кетиш олдида турибди, кетмокчи бўляптику (яъни қиз олиб кетиш учун ўроғлик тайёр турибди –А.Х.). Бошқачароқ айтганда, куёв қалин бериш билан муайян мажбуриятларни зиммасига олаётганини қайнотага билдирмокда.

Илгари “янга” сўзи деярли барча худудларда мавжуд бўлган, ҳатто “аканинг хотини” маъносидида тожик тилига ҳам ўтган. “Девону луғотит-турк”да ҳам: “الكنى” янга – янга. У қатта аканинг хотини”, деб изоҳланган (ДЛТ. III том. Т.: 1968. 390-бет). Демак, минг йил олдин ҳам “аканинг хотини” маъносидида “янга” сўзи ишлатилган. Бизнингча, “янга” (“женггэ”, “йенггэ”) ҳам қачонлардир “келин” сингари “оиланинг янги аъзоси” маъносидида “янги” сўзидан келиб чиккан. Шевадаги “янгабийи”, “янгамулло” каби шакллари “келинойи”,

“келинпошшо”га мувофиқ келади. “Бобурнома”да Бобур бир ўринда: “Ҳабиба Султонбегимни “янга” дер эдим”, деб ёзади (Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. 146-бет). Ҳабиба Султонбегим – Моваруннаҳр хукмдори темурийзода

Султон Аҳмад Мирзонинг кичик хотини. Султон Аҳмад Мирзо Бобурга амакивачча бўлган, шу боис Бобур Ҳабиба Султонбегимга “янга” деб мурожаат қилган. Бошқа бир ўринда эса шундай дейилади: “... яна янга чечамнингким, Зайнаб Султонбегим бўлғай, набираси келиб, Туътадин ўтиб, махаллот ёқасида дарё қирғоғида тушуб эдилар, бориб, намози дигар бида намози шом орасида кўрдим” (Ўша нашр, 241-бет). Бу ерда Бобур 1528 йили Ҳиндистонга темурийзода маликалар, яъни аммалари келгани ва улар билан кўришгани ҳақида гапирмокда. Хўш, нима сабабдан “янгам” ёки “чечам” эмас, “янга чечам” деган?

Сал аввал айтилганидек, “чеча”, “янга” ва “келинойи” синоним сўзлардир. “Чеча” баъзи шеваларда “чэче”, қўнғиротларда “шеше” деб талаффуз этилади, айни пайтда, қозоқ қардошларимиз “шеше” деб “она”ни айтишади. Баъзи шеваларда “жэжа” деганда “ўғай она” тушунилади. “Ўзбек халқ шевалари луғати” китобида ёзилишича, “чеча” деб Андижон шевасида “она”га нисбатан айрилган. Ушбу маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Бобурнома”даги “янга чечам” ҳам худди “келин оийи” сингари сўз бирикмасидир ва уни “қатта янгам” деб тушуниш мумкин, “чеча” деганда “она”, “она” каби маънолари кўзда тутилган.

Адабиётда “чеча” сўзига биз халқ оғзаки ижоди, халқ дostonларида кўпроқ дуч келамиз. Кейинги пайтларда “чеча”, “чечажон” сўзлари иштирокида баъзан кўшиқлар ҳам яратилаётгани қувонарли. Хуллас, минг йиллардан буён тилимизда яшаб келаётган бу гўзал сўзларни асраб-авайлашимиз, бунинг учун эса уларнинг истеъмолдан чиқиб кетишига йўл қўймашимиз, нутқимизда ҳар биридан маънодош сўзлар сифатида фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

ЭЪЛОН

Олмазор тумани “ТошГУ ТошПИ” массивидаги 2-уй, 69-хонадоннинг **Дамулладжанова Уктам Аъзамовна** номига 2019 йил 4 июлда расмийлаштирилган кадастр ҳужжати йўқолгани сабабли бекор қилинади.

ИСПРАВЛЕНИЕ

В объявлении газеты “XXI” от 12.11.2020 года за №43(885), изданном Каракалпакским филиалом ООО “Best avto aukcion” даты проведения аукционных торгов считать 11, 21 и 31 декабря 2020 года, прием заявок от желающих участвовать на торгах заканчивается 10, 18 и 30 декабря 2020 года а остальное по по тексту.

Ажабо!

Кимгадир яхши кўриниш учун эмас, соғлом бўлиш учун шуғулланиш керак

Аслида бунинг ёмон томони йўқ. Жисмоний фаоллик соғлиқ учун кони фойда. Айниқса, ҳозирги замонда, семизлик тобора ортиб, ўта долзарб муаммога айланиб бораётган бир даврда.

Лекин, ростки, мана бундай "оммавий саҳналар"ни одамларимизнинг "ҳазм" қилиши қийин. Яқин бир муддат аввал Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги худди шу усулни қўллаб, марказий аппарат ходимлари иштирокида бадантарбия машғулотлари ўтказишни йўлга қўйганди. ТВда, ижтимоий тармоқларда роса тарғиб қилинди. Аммо ҳозир ўша анъана давом этаётганига шахсан мен ишонмайман. Агар тиббиётга бағишланган охириги видеоселектордан кейин яна бошланмаган



бўлса, билмадим...

Шубҳам йўқки, ҳатто мана шу суратдаги сафда турганлар орасидаям ушбу ташаббусни ҳеёч ёқтирмай қабул қилган, "эрта тонгдан ҳамма стадионга бориши керак экан, бадантарбия қилиниб, кейин юриларкан, ҳокимиятнинг топшириғи бу", деган чақирани ки эшитиб, энсаси қотганлари бўлгани ҳам аниқ...

Умуман, мақсад яхши. Бу тушунарли. Аммо, менинг назаримда, соғлиқ учун ҳаракатни кимгадир яхши кўриниш учун қилиш

керак эмас. Билмадим, мана бундай "саҳна"лар барибир шундай хаёлга элтади. Ҳўжақўрсинга қилингандай туюлаверади.

Аслида одамларга тўғри тушунтирга олинса, шуғулланса, фойдасини ўзи қуришини англаб етишига туртки берилса, кифоя. Шунда малол келтириб қировли стадионга тўплаш ҳам шарт бўлмайдди. Майли, бадантарбия машқини уйда бажарсин. Лекин чин дилдан қилсин. Соғлом ҳаёт сари ўзи интилсин...

Манба: @platformuzb

Абдураззоқ ОБРЎЙ



"СОТКА" ДАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР

Бир пайтлар босиб кетганди, "Водка"дан туғилган болалар. Бугун қаранг, ошиб кетди-ку, "Сотка"дан туғилган болалар. Кеча келди туғруқхонадан, "Сотка" сўрар бугун онадан, Ҳайрон қолманг бундай боладан, "Сотка"дан туғилган болалар. Кулади, йиғлар "сотка" билан, Тинч ухлар чақалоқ "сотка" билан, Тили ҳам чиқар "сотка" билан, "Сотка"дан туғилган болалар. Ҳамма айтар битта кўшиқни, Нодон чиқар оч, қай эшиқни, Эрта тарк этади бешиқни, "Сотка"дан туғилган болалар! Теллонни кучоқлаб улғаяр, Уйинда пичоқлаб улғаяр, Пичоқлаб, кучоқлаб улғаяр, "Сотка"дан туғилган болалар. Китоб ўқишга тоқати йўқ, Отаю онага шафқати йўқ, Уйиндан бошқа ҳеч роҳати йўқ, "Сотка"дан туғилган болалар. Нима бўляпти, айтинг ўзи, Қайда ота-оналар кўзи, Эртанинг энг катта ёвузи, "Сотка"дан туғилган болалар...


ЭНДИ ЕТМАС БИТТА ШАПАЛОҚ

Айланмайин қолди-ку тилим, Тополмайин қолдим бирор сўз, Иккитасин нима қиламан, Ҳеч бўлмаса бир кўзингни суз.

Томиримда қон қайнаяпти, Юрагимдан чиқаётир тер, Иккитасин нима қиламан, Ҳеч бўлмаса бир кўлингни бер.

Ҳеч қорангни кўрсатмай қўйдинг, Бўлаяпман жуда ёмон хит, Иккитасин нима қиламан, Ҳеч бўлмаса бир юзингни тут.

Битта гапда туриб олсам-да, Айтганимни қилдирсам мен ўр, Энди етмас битта шапалоқ, Майли, энди икки қўллаб ур!



Мулкингизни суғурта қилинг!

Реклама

Ҳаётда турли бахтсиз ҳодисаларга дуч келмаслиқдан ҳеч ким ҳимояланган эмас. Шу боис фуқаролар, нафақат ўзларининг ҳаёти ва соғлиғини, балки мол-мулкни ҳам бундай кўнгилсизликлар оқибатида етказилган зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида суғурта идораларига мурожаат қилишади.

Бунда суғурталовчи суғурта қилдирувчига ёки наф олувчига гаровга қўйилаётган мол-мулкнинг қуйидагилар натижасида етказилган бевосита зарарларни қоплаб беради:

- * эшиқни бузиб кириб, ўғирлик содир этилиши, ёнғин, портлаш, учар жисмлар, қурилиш материаллари ва ҳоказоларнинг машина ва ўй-жойларнинг устига тушиши натижасида;
- * иситиш тизими, ичимлик суви ва оқова тармоқларининг авариялари;

* ички сантехник тизимларининг бузилиши натижасида сув оқиб кетиши;

* учинчи шахсларнинг қасддан ноқонуний ҳаракатлари;

* табиий офатлар – кучли шамол (секундига 15 метр ва ундан ҳам юқори тезликда), (секундига 25-32 метр тезликда), ёмғир, дўл, қор ёғиши, совуқ уриши, чақмоқ, бўрон, кўчки, сел, zilзила, тошқин, ер ости сувлари ҳаракати, ядровий энергия таъсири.

Марҳамат, мулкингизни зарар, ёнғин ва табиий офатлардан суғурта қилиш тури бўйича суғурта қилдириг. Бу борада сизга "Кафолат суғурта компанияси" АЖ ёрдам беради.

Батафсил маълумот учун:

www.kafolat.uz

t.me/kafolat_sugurta



@kafolat_sugurta

71 202 88 22.

Шунингдек, play.google.com/store/apps/details?id=uz.inha.ismatov.quadratillo.kafolatinurance мобил иловасини юклаб олинг ва 20 га яқин турдаги суғурта хизматларимизни интернет орқали харид қилинг. Биз – сиз ва яқинларингиз учун қайгураимиз.

"Кафолат суғурта компанияси" АЖ

Хизматлар лицензияланган.

Мол-мулк суғуртаси – фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг табиий ва бошқа салбий ҳодисалар рўй бериши оқибатида шикаст етказилган мулкнинг манфаатларини ҳимояладир. Мол-мулкни зарардан, ёнғиндан ва табиий офатлардан суғурта қилиш тури – умумий суғурталаш тармоғи доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, суғурталанаётган мол-мулкнинг жисмоний йўқотилишидан ёки шикастланишидан суғурта қилишни назарда тутлади.



| | | | | | | |
|--|--|--|---|--|--|--|
| <p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ақтам ХАЙТОВ Дишода ШОУМАРОВ Шухрат БАҒОЕВ Мавлада ХУЖАЕВА</p> | <p>МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p>XXI ASR</p> <p>ИТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА HAFTALIK NASHR</p> <p>Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Сирожидин САЙИЙД Алҳам ШОДМОНОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p> | <p>Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Фаррух ЖАББОРОВ Бош муҳаррир уринбосари</p> | <p>Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нугус қўчаси 73-уй.</p> <p>Электрон почта: xxl_asr@mail.uz xxl_asr@mail.ru</p> <p>Телефонлар: ҳаблхона – 71 215-63-80 (телефакс) Обува ва режана бўлими – 71 255-08-50.</p> | <p>"XXI asr" иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини 2011 йил 14 июлда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўроқ кўчаси 41-уй. Газета ободет усулда, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1158 Тираж: 2534 Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 20:00</p> | <p>Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва мулфилларга қайтарилмайди.</p> <p>© "XXI asr" дан олинган маълумотларга мана сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Мулфиллар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр</p> <p>Марҳум Раҳмонов томонидан саҳифаланди.</p> | <p>ISSN 2181-497X</p> <p>НАШР КЎРСАТИШИ: 406 123456</p> <p>Навбатчи муҳаррирлар: Озод РАҲАБОВ, Беход ИСРОИЛОВ.</p> |
|--|--|--|---|--|--|--|